

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи - шаҳар судининг судьяси К.Шахобутдинов,

судья ёрдамчиси Х.Дадақўзиёвни котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси У.Низомидинов, судланувчи И.Умаров ва унинг ҳимоячиси А.Рузизоҳунов, жабрланувчининг вакили Ў.Абдувалиёвни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган Умаров Иброҳимжон Иминжон ўғлига оид 1-1701-2202/386 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Умаров Иброҳимжон Иминжон ўғли (Umarov Ibroximjon Iminjon o`g`li)**, 1994 йил 2 январда Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, илгари судланмаган, ишсиз, Андижон шаҳар Андижон МФЙ Андижон Гес кўчаси 3-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини муддатида олган.

Суд судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Умаров 2022 йил 01 февраль куни соат 17:00 ларда бошқарувида бўлган “Нексия-2” русумли 60 G 924 НА давлат белгили автомашинасида Андижон шаҳри, А.Темур кўчасидан ўтган “Янги бозор-Асака” қатнов йўлининг “Янги бозор” йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётиб, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3-банди, 11-банди “г” кичик банди, 77-банди, 109-110-бандларида ўтилган талабларни қўпол равишда бузиб, “Янги бозор” йўналишида жойлашган пиёдалар йўлакчасидан ўтаётган пиёда вояга етмаган И.Абдувалиёвани автомашинанинг олд қисми билан уриб юбориб, И.Абдувалиёвани оғир тан жароҳат олиб, вафот этишига сабабчи бўлган.

Суд тиббий экспертизасининг 03.03.2022 йил кунги 94-сонли ҳулосасига кўра, И.Абдувалиёвага “оғир ёпиқ шикасти, чап понасимон суякнинг катта ва кичик қанотларини ёпиқ синиши, бош мия қаттиқ ва юмшоқ пардалари остига, мия тўқималарига ва қоринчаларига қон қуйилиши, бошнинг пешона, ўнг чакка энса соҳаларида тери ости қон



қуйилишлар, чап сон суяги юқори қисмидан ёпиқ синиб силжиши, пешона. Тапа-энса соҳалари шилинган, тепа-энса соҳаси лат еб йиртилган жарохатлари, ички аъзолар тўлақонлиги” каби жарохатлар билан оғир тан жарохати туркумига кириши кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи И.Умаров судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 01 февраль куни соат 17:00 ларда бошқарувида бўлган “Нексия 2” русумли 60 G 924 НА давлат белгили автомашинада Андижон шаҳар А.Темур кўчасидан ўтган “Асака-Янги бозор” транспорт қатнов йўлининг “Янги бозор” йўналиши бўйича соатига 60 км тезликда бошқариб кетаётган вақтида халқ тилида “Малочьний” бекатига бурилиш қисмидаги пиёдалар ўтиш йўлагига яқинлашган вақтида олдидаги биринчи ва иккинчи бўлакдаги автомашиналар секинлаб тўхтаётганини кўрганини, шунда уларни ўзларини ишлари билан йўловчи олиш учун тўхтаётган деб ўйлаганини ва ҳаракатни давом эттирганини, шу вақт пиёдалар йўлагига ўзи кейинчалик билган вояга етмаган И.Абдувалиева кесиб ўтаётганини кўрганини ва дархол тормоз тизимини ишга туширганини, лекин оралиқ масофа яқин бўлганлиги сабабли, тўхташга улгурмасдан автомашинанинг олд ўрта қисми билан И.Абдувалиевани уриб юборганини, сўнг автомашинани тўлиқ тўхтатиб автомашинадан тушганини ва И.Абдувалиевани автомашинага солиб Андижон шаҳар РШТЎИМ АФга олиб борганини, лекин қилинган муолажаларга қарамай И.Абдувалиева шифохонада вафот этганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, И.Абдувалиевани оиласига қўлидан келган ёрдамни кўрсатганини, ота-онасидан кечирим сўраганини, суддан енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчини қонуний вакили Ў.Абдувалиев судда, ҳозирда мархум И.Абдувалиева кичик фарзанди бўлганини, И.Абдувалиев Андижон шаҳар ХТБга қарашли 13-сон мактабда 4-синф ўқиб келганини, 2022 йил 01 февраль куни И.Абдувалиева ўйнаш учун Андижон шаҳар 2-кичик даҳага ўйнагани борганини, сўнг кечга яқин И.Абдувалиевани Андижон шаҳар А.Темур кўчасидан ўтган “Асака-Янги бозор” транспорт қатнов йўлигини пиёдалар ўтиш йўлагидан кесиб ўтаётган вақтида йўл транспорт ҳодисасига учраганини, қизини ўзи кейинчалик таниган И.Умаров бошқарувида бўлган “Нексия 2” русумли 60 G 924 НА давлат белгили автомашинада уриб юборганини билганини, И.Абдувалиева анча вақт давомида РШТЎИМ АФда даволанганини, лекин қилинган муолажаларга қарамай касалхонада вафот этганини, судланувчи И.Умаров қизини даволаниши учун ёрдам бериб келганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан бўлмаган жазо тайинлашни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ К.Эргашев судда, 2022 йил 01 февраль соат 17:00 ларда яшаш хонадонига кетиш учун Андижон шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган халқ тилида “Малочьний” бекати ёнидаги “222” йўналишидаги аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи автомашинада олд ўриндиғида автомашина тўлишини кутиб турган вақтида, ўзи кейинчалик билган вояга етмаган



И.Абдувалиева пиёдалар ўтиш йўлагидан йўлнинг нариги томонига яъни темир йўл томонга кесиб ўта бошлаганини, уни кўриб йўлнинг биринчи ва иккинчи бўлагида автомашиналар тўхтаб қизга йўл берганини, И.Абдувалиева юриб ўтаётган вақтида “Нексия” русумли автомашина тормоз босмасдан келиб йўлнинг бетон тўсиққа туташ бўлагида уни уриб юборганини, сўнг тўхтаб ҳайдовчи ўзи кейинчалик билган И.Умаров И.Абдувалиевани кўтариб автомашинасига солиб шифохонага олиб кетганини, шунда ердаги қизчанинг уяли алоқа воситасини олиб кейинроқ отасини топиб бериб қўйганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, И.Умаровни кўрсатувини ва унинг ҳимоячисини фикрини, жабрланувчини қонуний вакилини кўрсатувини тинглаб, И.Умаровни айби кўрсатуви ва жабрланувчи кўрсатувлари, жиноят ишида бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотожадвал, суд-тиббий экспертизаси хулосалари, суд автотехника экспертизаси хулосаси, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан И.Умаровни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиной қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жинойий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан



ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Суд И.Умаровга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, уни айбига иқро ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, илгари судланмаганини, шахсини, оилавий шароитини, жабрланувчини унга даъвоси йўқлигини, енгиллик беришни сўраганини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шаклини ва унинг шахсини алоҳида эътиборга олиб, уни биринчи марта жиноят содир этганини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят оқибатида зарарни мавжуд эмаслигини, жабрланувчини даъвоси йўқлиги ва енгиллик беришни сўрагани жазони жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, жабрланувчи Ў.Абдувалиевни И.Умаровга даъвоси йўқлигини эътиборга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Умаров Иброхимжон Иминжон ўғли (Umarov Ibroximjon Iminjon o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Умаров Иброхимжон Иминжон ўғли (Umarov Ibroximjon Iminjon o`g`li)га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб 2 (икки) йил муддатга ҳар қандай транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазоларни ижро этиш органи белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотда ўтаттирилиб, жазони ижро этиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин ва жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган “Нексия-2” русумли 60 G 924 НА давлат белгили автомашинага мазкур жиноят иши бўйича қўйилган чекловлар бекор қилинсин ва И.Умаровни ўзида сақланаётгани ижроси билан боғлиқ масала суд муҳокамасидан чиқарилсин.



Жабрланувчи Ў.Абдувалиевни И.Умаровга моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчини вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**К.Шахобутдинов**

*Ҳукм нусхаси аслига тўғри,*

**Жиноят ишлари бўйича  
Андижон шаҳар судининг  
судьяси**

**К.Шахобутдинов**

